

ТУРИЗМ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МИЛЛИЙ
ИҚТИСОДИЁТДАГИ ЎРНИ

РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ РАЗВИТИЯ ТУРИСТИЧЕСКОЙ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В НАЦИОНАЛЬНОЙ
ЭКОНОМИКЕ

THE ROLE AND IMPORTANCE OF THE DEVELOPMENT
OF TOURISM ACTIVITIES IN THE NATIONAL
ECONOMY

Аширова Ноила

Чирчиқ давлат педагогика университети

3-боқич талабаси

Аннотация: *Ушбу мақолада давлатимизда туризм фаолиятини ривожлантиришнинг миллий иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти ёритилган. Бугунги кунда туризм салоҳиятини ривожлантиришдаги камчиликлар таҳлил этилган.*

Калит сўзлар: *туризм, миллий, салоҳият, иқтисод, меҳмонлар, уй меҳмонхонаси, ландшафт, даромад, сармоя.*

Аннотация: *в данной статье рассматривается роль и значение туризма в национальной экономике нашего государства. Сегодня анализируются недостатки в развитии туристического потенциала.*

Ключевые слова: *Туризм, национальный, потенциал, экономика, гости, домашняя гостиница, ландшафт, доход, инвестиции.*

Annotation: *this article covers the role and importance of tourism in the national economy in our state. Today, the shortcomings in the development of tourism potential are analyzed.*

Keywords: *Tourism, National, potential, Economy, guests, home hotel, landscape, income, investment.*

КИРИШ

Марказий Осиё мамлакатларида, шу жумладан Ўзбекистонда туризм сифатини ошириш масалалари хорижий адабиётларда деярли кўриб чиқилмаган. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистонда туризм соҳасини такомиллаштириш аспектларини ўрганиш долзарблигини билдиради. Мамлакатимизда туризм масалалари билан шуғулланадиган Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси нисбатдан янги

ташқилот эканлиги, мамлакатдаги инфратузилма бошка сайёҳлик халқаро секторларига нисбатан рақобатбардош эмаслиги; қонунчилик базасида кўплаб баъзи бир бўшлиқлар мавжудлиги; малакали кадрларнинг кескин етишмаслиги ва бошқалар мавжуд. Шунингдек, Ўзбекистоннинг сайёҳлик соҳасини ривожлантиришга тусқинлик қилаётган кўплаб муаммолар соғлиқни сақлаш, жамоат хавфсизлиги, транспорт, молия тизими ва бошқалар билан боғлиқ. Замонавий иқтисодиётда туризмнинг ўрни, туризм саноати ривожланишининг тез суръатлари ХХI асрнинг энг муҳим ходисасига айланди, кўпгина мамлакатларнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий компонентларига таъсир кўрсатди. 21-асрда туризм глобал ижтимоий-иқтисодий ходисага айланди, бу дунёнинг бир қатор давлатлари ва минтақаларининг глобал тузилишига катта таъсир кўрсатди.

МУҲОҚАМА ВА НАТИЖАЛАР

Туризм соҳадаги хизматлар ва сервис масалаларининг назарий ва амалий жиҳатлари Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан МД.Пардаев, Г.Х.Кудратов, И.С.Тухлиев, М.Хошимов, Б.Абдукаримов, А.М. Абдувоҳидов, Р.Амридиноваларнинг илмий изланишларида тадқиқ қилинган. Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи, илмий тадқиқотни олиб боришда илғор тажрибалар, яхши кўрсаткичларга эришаётган туристик компаниялар маълумотларини ўрганиш ва тадбиқ этиш, таҳлил ва кузатиш, умумлаштириш, гуруҳлаш, солиштириш, таққослаш ҳамда тизимли ёндашув усулларидадан фойдаланилади.

Хозирда, анъанавий равишда паст солиққа тортиш шароитида, ривожланиб бораётган туризм дунёнинг турли мамлакатларидаги молия органларининг муҳим соҳасига айланиб жаҳон инвестициялари ва ялпи ички маҳсулотнинг 10% ни ташқил этмокда. Агар туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий фойдалари осонгина аниқланса (масалан, иш билан бандликнинг ўсиши), унда бир қатор салбий оқибатлар аниқ эмас (масалан, экологик оқибатлар). Бу эса, туризм фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш зарурлигини англатади, аммо бундай тартибга солиш соф ижтимоий ва иқтисодий фойдаларни вақтида максимал даражада ошириш нуқтаи назаридан мувозанат сақланишини талаб этади. Яқин ўн йил ичида Ўзбекистан Республикасининг солиқ тизими ўрта муддатли истиқболда бюджетга ижара тушумларининг пасайиши муносабати билан аҳолининг кексайиш жараёнига мослашиш ва иқтисодиётга солиқ юқини оптималлаштириш зарурияти билан боғлиқ кенг кўламли қийинчиликларга дуч келади. Солиқлар ва уларнинг таркиби ислохотларнинг ажралмас таркибий қисмига айланади (меҳнат бозорини

тартибга солиш ва бандликни рағбатлантириш дастурлари билан бир каторда), чунки солиқлар давлатнинг асосий даромад манбаи бўлиб қолмоқда. Натижада, солиқ юкини оптималлаштириш йулларини топиш катта аҳамиятга эга бўлади¹.

Транспорт ва телекоммуникация соҳаларидаги ўзгаришлар пароход ва темир йул ихтироси, почта алоқаси сифатини яхшилаш, йулларнинг кенгайиши туризмни ривожланиш тарихида муҳим роль уйнади. Сайёҳлар сонининг кўпайиши уларга хизмат курсатиш ва жойлаштириш учун зарур воситалар яратишга таъсир курсатди, биринчи ўринда меҳмонхоналар, шунингдек, Европада сайёҳлик фирмаларининг фаол ўсиши натижасида махсус саёҳат агентликлари пайдо бўлди.

Жаҳон иқтисодиёти муаммолари, жумладан, туризмни бошқариш тизимини такомиллаштириш масалаларига А.С. Александрованинг асарлари, М.Б. Биржакова, В.С. Боголюбова, Д.Г. Брашнова ва бошқалар хорижий олимларнинг тадқиқотлари бағишланган.

ТАҲЛИЛ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Халқаро савдода бугунги кунда энг жадал ривожланаётган шакл бу туризмдир. Жаҳон сайёҳлик ташкилоти статистика маълумотларига қура, 2018 йилда сайёҳлар келиши сони 1,3 миллиард кишига тенг бўлган². Бугунги кунда жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 5% ва жаҳон хизматлари экспортининг 30% (АҚШ йилига 1 триллион доллар) туризм индустрияси ҳиссасига тўғри келади. Диагностик маълумотларга қура 2020 йилда халқаро сайёҳлар сони 1561 миллионгача ошади ва йиллик ўсиш барқарор бўлади ва тахминан 4% га тенг бўлиши прогнозлаштирилган эди (коронавирус эпидемияси инобатга олинмаганда).

Минтақаларнинг ривожланишининг турли ижтимоий-иқтисодий даражаси дунёда халқаро туризмни ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади. Сайёҳлик оқимининг энг катта улуши Европага тўғри келади ва бу кўрсаткич сайёҳлик бозорининг 70% дан кўпроғи ва валюта тушумларининг тахминан 60%ни ташкил этади.

Туризм секторининг ривожланиши илмий моҳияти иқтисодий фаолият соҳаси сифатида бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Туризм инсон, умуман жамият манфаатларига хизмат қилади ва микро ва макроиқтисодий даражаларда даромад манбаи ҳисобланади. Туризм қўшимча иш ўринлари яратишнинг асосий омилларидан бири бўлиб, йўл

¹ Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача интеграциялашган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепцияси лойихаси. ID-8839.

² Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, 30.12.2019.

ва меҳмонхона қурилиши ривожини тезлаштиради, барча турдаги транспорт воситалари ишлаб чиқаришни рағбатлантиради, халқ хунармандчилиги ва минтақалар ва мамлакатларнинг миллий маданиятини сақлаб қолишга хизмат қилади. Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг ҳисобларига кўра, 2020 йилга келиб сайёҳлар сони 1,6 миллиард киши, 2020 йил жаҳон сайёҳлик даромади 2 триллион доллардан ошиши прогнозлаштирилган эди.

НАТИЖАЛАР

Туризм фаолиятини ривожлантиришнинг миллий иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамиятини буйича асосий натижалар шуни кўрсатадики, кўпгина олим-таҳлилчиларнинг фикрига кўра, халқаро туризмни ривожлантириш учун қуйидаги омиллар мавжуд:

1. Иқтисодий ўсиш ва ижтимоий тараққиёт нафакат бизнес сафарлари, балки билим мақсадлари билан саёҳат қилиш ҳажмини кенгайтиришга олиб келди.

2. Транспортнинг барча турларини такомиллаштириш саёҳатни арзонлаштирди, ушбу ҳол аҳолининг кўплаб қатламлари учун имкон яратди.

3. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда ёлланган ишчилар ва ходимлар сонининг купайиши, уларнинг моддий ва маданий даражасининг ортиши уларнинг маънавий ва маърифий кадриятларга булган интилишларини кучайтирди.

4. Меҳнатни фаолиятининг унумдорлигини ошириш кучайтириш ва ишчилар узоқ, муддатли таътиллар олишлари янада мазмунли дам олишни талаб қилади.

5. Давлатлар ўртасида давлатлараро алоқалар ва маданий алмашинувларнинг ривожланиши иккала минтақа ўртасида ҳам, ҳудудлар ичида ҳам шахслараро алоқаларни кенгайтиришга олиб келди.

6. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши телекоммуникация соҳасидаги технологик тараққиётни рағбатлантирди, турли мамлакатлар ва ҳудудларга ташриф буюришдан манфаатдорлигини оширди.

7. Кўпгина мамлакатларда валютани олиб ташлаш ва чегара расмийлаштирувларини соддалаштириш буйича чекловларни камайтириш ҳам туризмни ривожлантиришни рағбатлантиради.

Халқаро миқёсда туризмни ривожлантириш учун иқтисодий имкониятлар алоҳида мамлакатларда ташкилий ва иқтисодий жараёнларнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароитларни яратди. Уларнинг аксарияти учун халқаро туризм:

1. Валюта тушумининг энг муҳим манбаи;

2. Тулов баланси усишини рағбатлантирувчи омил;

Бозор иқтисодиёти шароитида ва бозор муносабатлари ривожланиши натижасида Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар юзага келаётганлиги, туризмнинг республика иқтисодиётига янада интеграцияланиши мамлакат иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этмоқда. Жаҳон иқтисодиёти тажрибасидан маълумки, туризм соҳаси мамлакат хазинаси учун зарур бўлган валюта тушумини таъминлаш, янги иш жойларини вужудга келтириш ва шу билан биргаликда аҳолининг турмуш даражасини кутариш учун хизмат қилади. Республикамиз халқаро туризм соҳасидаги имкониятларининг катталиги билан қушни мамлакатлардан тубдан фарқ қилади. Ўзбекистоннинг географик урни нихоятда қулай, ажойиб табиий иқлим шароитига эгаллиги ташқари, у инсоният маданий тараккиётида ҳам катта урин тутди. Ўзбекистон нодир тарихий архитектура ёдгорликларига, ширин-шакар мевалар, хилма-хил таомлар, ажойиб миллий анъана, урф-одатга эга бўлган меҳмондуст халққа эга. Буларнинг барчаси чет эллик туристлар эътиборини узига тортади ва кишиларни лол қолдиради. Халқаро туризмни ривожлантиришда Ўзбекистонда мавжуд бўлган сиёсий барқарорлик ҳам муҳим урин тутди. Ҳозирда республикада 450 дан ортиқ туристик фирмалар мавжуд бўлиб, уларнинг иш жараёни Миллий Компания томонидан назорат қилиб борилмоқда. Бизга маълумки, жаҳон тажрибасида туризмни ривожлантириш учун қуйидаги иқтисодий моделлар қулланилади: марказдан бошқариш, бозор ва монетар ривожланиш йуллари.

Туризмнинг мамлакат иқтисодиётига қўшаётган ҳиссаси, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва аҳолини иш билан таъминлаш жаҳондаги ўртача кўрсаткичлардан орада қолмоқда. Мамлакатимизда туризм иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида бир қатор вазифалар ва устувор йўналишлар белгиланди:

-туризм индустрияси субъектлари фаолияти учун қулай шарт-шароитларни шакллантириш, туризмни ривожлантиришдаги барча тўсик ва ғовларга барҳам бериш, виза ва рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилларини, паспорт ва божхона назоратини соддалаштириш;

-туризм хизматларини ташкил этишда туристлар ва экскурсантларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

-туризмнинг янги салоҳиятли турлари - зиёрат қилиш, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, спорт, даволаш-соғломлаштириш,

қишлоқ, саннат, ишбилармонлик, болалар, ёшлар ва оилавий туризмни жадал ривожлантириш;

-туризм соҳасида халқаро ва миллий ташкилотлар, йирик хорижий брендлар ва компаниялар билан ҳамкорликни кенгайтириш, туризм хизмати кўрсатишнинг илғор жаҳон сифат стандартларини жорий этиш;

-республика минтақаларида туризм инфратузилмасининг замонавий объектлари, энг аввало меҳмонхоналар, транспорт-логистика тузилмалари, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш, ушбу мақсадлар учун хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш;

-рақобатбардош туризм маҳсулотларини ишлаб чиқиш, минтақаларда янги туризм йўналишларини яратиш, уларни жаҳон туризм бозорларига олиб чиқиш;

-туризм тармоғи учун малакали кадрларни сифатли тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш.

Иқтисодиётда маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув тизимидан мутлақо воз кечилиб, бозор ислохотлари босқичма-босқич амалга оширилгани ва пул-кредит сиёсати пухта ўйлаб олиб борилгани макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсишини, инфляцияни прогноз кўрсаткичлари даражасида сақлаб қолишни таъминлади ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва қулай шароитлар яратилишига хизмат қилди.

Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо етмоқда. Ўзбекистон ўзининг бой маданий ва тарихий мероси, меҳмондўст халқи туфайли сайёҳлар орасида тобора оммалашиб бормоқда. Бугунги кунга келиб, жаҳон иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар хизматлар соҳасининг жадал ривожланаётганлигини кўрсатмоқда, бунда эса туризмнинг ҳиссаси ортиб бораётганлиги айни ўша мутаносибликни баҳолаш заруратини юзага келтирмоқда³. XIX аср охирида Австрияда илк маротаба туризм соҳасида статистика кузатуви ўтказилган бўлиб, ундан аввалроқ Швейцарияда 1852 йилда туризм расмий статистикасини тузиш масаласи ўртага ташланган эди. XIX-XX асрларда биринчи маротаба

³ Александрова А.Ю. География туризма как научная дисциплина // География туризма / Под ред. А.Ю. Александровой. — М.: КНОРУС, 2010.С-95

хорижий мамлакатларда туризмга оид 21 га яқин мавзуларда илмий тадқиқотлар олиб борилган, жумладан ўз илмий қарашларида туризмга оид статистикани кенг қўллаган Австриялик машҳур, атоқли олим Р. Өнгельманнинг илмий изланишларини намуна сифатида бунга яққол мисол қилиш мумкин. Туризмнинг миллий иқтисодиётдаги улуши тўғрисидаги ҳисоботларни ишлаб чиқиш, туризм соҳасида иқтисодий тадқиқотлар олиб бориш бўйича Австрия, Швейцария, Франция, Канада, Испания, Швеция, Буюк Британия, Америка Қўшма Штатлари каби мамлакатлар етакчилик қилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Охириги 50 йил давомида туризм соҳасини тадқиқ этиш ишлари жадал ривожланмоқда, бироқ туризм иқтисодиётига оид муаммоларнинг олимлар томонидан ўрганилиши, иқтисодий фаолиятнинг бошқа соҳаларини ўрганишга нисбатан камроқ эканлигини кузатиш мумкин. Туризмни тадқиқ этиш бўйича энг муҳим илмий изланишлардан бири 1960 йил ўрталарида М. Клоусон и Дж. Клетчнинг “Табиат қўйнида дам олиш иқтисодиёти” номи остида, 1970 йилда эса Х.П.Грэйнинг “Халқаро сайёҳлик ва “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2016 йил 2 www.iqtisodiyot.uz савдо ўртасидаги алоқадорлик” ҳақидаги китобларининг чоп этилганлигидир. Бу эса ўз навбатида, иқтисодчилар томонидан туризмни алоҳида иқтисодий фаолият тури сифатида ўрганишга бўлган қизиқишини уйғотди. 1995 йилда биринчи марта дунё миқёсида туризмнинг иқтисодий ва молиявий муаммолари акс этириладиган “Туризм иқтисодиёти” (Tourism Economics) номли илмий журнал чоп этила бошлади. Бу кабилар туризмнинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни ошиб бораётганлигидан далолатдир. Жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз жараёнлари давом этаётган айти бир пайтда туризм иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлаш, ижтимоий фаровонликни ошириш, хизматлар соҳасининг ривожланиши ҳамда аҳоли турмуш даражасининг сифатини яхшилаш, хорижий валюталарни кенг жалб қилиш, қўшимча иш ўринлари яратиш, шунингдек, халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш каби ўта долзарб масалалар ечимида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги пайтда туризм тез суръатлар билан ривожланаётган иқтисодиётнинг юқори даромад келтирувчи муҳим тармоқлари сифатида айрим тармоқлардан фарқли равишда табиий ресурслар камайишига олиб келмаслиги ва ушбу тармоқ экспортга йўналтирилган фаолият бўлиб, жаҳон бозоридаги беқарорликларга чидамлилиги билан муҳимдир. Кўпгина мамлакатлар учун туризм индустрияси экспортни диверсификация қилишнинг асосий таркиби ҳисобланади. Туризм айти пайтда юқори даромад келтирувчи соҳа ҳисобланиб, сайёҳликнинг янги

йўналишлари пайдо бўлмоқда.⁴ Хулоса ўрнида айтиш лозимки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози жараёнлари давом этаётганлигига қарамай айти пайтда халқаро туризм индустрияси ривожланиб, бу айниқса иқтисодиётида туризмнинг ўрни ва салоҳияти юқори мамлакатларда сезиларли ҳолатда кечмоқда ҳамда дунё миқёсида туризм оқимининг мунтазам равишда кўпайиши билан халқаро сайёҳлик экспортига ўз таъсирини кўрсатамоқда⁵.

Хусусан, Қорақалпоғистон, Андижон ва Қашқадарёда меҳмонхона ўринлари етишмайди. Навоий, Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида катта имкониятлардан фойдаланилмаяпти. Ёшларга мос туристик хизматлар жуда кам. “Оилавий” ва “барчаси ичида” хизматларни жорий қилиш ишлари суут.

Худудлардаги 206 та термал ва минерал сувли булоқларнинг 18 тасидан фойдаланилмоқда, холос. Мисол учун, Қамчиқ довонида жойлашган Арашан кўллари сувининг ҳарорати қишин-ёзин 36 градус иссиқликда бўлиб, хорижий курортлардан қолишмайди. Ёки, Чимбой, Қораўзак ва Тахтақўпирда ер остидан 40-70 градус иссиқликда чиқадиган термал булоқлар атрофида санатория-курортлар ташкил қилиш мумкин.

Сайёҳларни жалб қилишда юртимиздаги 122 та музей салоҳиятидан ҳам фойдаланилмаяпти. Уларда 2 миллион 500 мингдан ортиқ ашёлар бўлиб, шундан 112 мингтаси жаҳон тарихи ва маданияти учун ҳам ноёб ҳисобланади⁶.

Бойсунда дунёдаги энг чуқур ғорлардан бири ҳисобланган Бойбулоқ, неандертал одам қолдиғи топилган Тешиктош ғорлари, қадимий эллин маданияти ёдгорлиги бўлмиш Узундара қалъаси бор. Туманнинг табиати, иқлими ҳам зўр. У ерда меҳмонхона, кемпинг, “дор йўли”, туристлар уйлари ташкил этиш орқали 500 минг сайёҳни жалб қилса бўлади.

Бундай имкониятлар Бўстонликдаги Товоқсой, Оҳангарондаги Овжасой, Ангрендаги Янгиобод, Шахрисабздаги Мираки, Янгикўрғондаги Нанай, Поцдаги Чодак қишлоқларида ҳам бор. Шунингдек, Нукусдаги Ашшиқўл, Бухородаги Зикрикўл, Жиззахда Айдаркўл ва Тузкон кўлида худди Чорвоқдагидек чўмилиш зоналари ташкил этиш мумкинлиги таъкидланди.

“Ўзбекистон туризм магистрали” бўйлаб, 31 та туман ва шаҳар худудидан ўтувчи йўллар бўйида автотураргоҳ, кемпинг, автосервис, овқатланиш, ёқилғи қуйиш каби хизматларни қамраб олган “Қарвонсарой”лар барпо этиш лозим.

⁴ Боголюбов В. С., Орловская В.П. Экономика туризма. — М: Академия, 2010.С-54

⁵ Биржаков М.Б. Введение в туризм: Учебник. — СПб.: Невский фонд, 2011.С124

⁶ Зорин И.В. Менеджмент туризма: Учебник для студентов. — М.: РМАТ, 2009.С-78

Юртимизда 186 хил халқаро ва маҳаллий фестиваллар ташкил этилади. Улар орқали қўшимча 1 миллион хорижий ва 5 миллион нафар ички туристларни жалб қилиш имконияти бор. Мутасаддиларга ушбу тадбирларни юқори савияда ва хавфсиз ташкил этиш, бутун дунёга кенг тарғиб қилиш бўйича кўрсатмалар берилди. Жорий йилда Наврўз байрами муносабати билан қўшимча дам олиш кунлари белгилангани, 250 та меҳмонхона ва музейларда чегирма берилгани, зиёрат объектлари бепул қилингани ички туризм учун катта туртки берди. Бунинг натижасида Бухоро ва Самарқандга қўшимча 110 минг маҳаллий туристлар борган. Келгуси ҳафтада Рамазон ҳайити муносабати билан ҳам халқимизга яна 5 кунлик дам олиш берилади.

ХУЛОСА

1 сентябрдан бошлаб, юртимиз бўйлаб саёҳат қилаётган фуқароларга авиа, темир йўл ва автобус чипталари нархининг 15 фоизи, меҳмонхона харажатининг 20 фоизи, музей ва бошқа маданият объектларига чипта нархининг 50 фоизини қайтариш тизими жорий этилади.

Музейлар фаолиятини самарали ташкил этиш ҳам туризмни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, республика бўйича барча музейлар экспонатларини тўлиқ хатловдан ўтказиб, уларнинг электрон базасини яратиш, музейлар раҳбар ва ходимларининг малакасини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Музейларнинг кўргазма майдонлари камлиги сабабли атиги 1 фоиз экспонат намойишга қўйилган. Қолаверса, аҳолининг узоқдаги музейларга бориш имконияти йўқ. Шунинг учун, “Санъатни халққа яқинлаштириш” дастури доирасида ҳудудларда музейларнинг кўчма кўргазмаларини ташкил қилиш кераклиги айтилди. Юртимиздаги 4 минг 500 дан ортиқ археология ёдгорлигини очиб осмон остидаги музейларга айлантириш вазифаси қўйилди.

Сайёҳатларни ташкил этишдаги энг муҳим воситалардан бири транспортдир. Ҳозирги кунда транспорт харажатларининг юқорилиги хорижий туристларни жалб қилишда асосий тўсиқлардан бири бўлиб қолмоқда. Халқаро ва маҳаллий йўналишларда “лоукостер”лар кўп эмас. Замонавий “Афросиёб” поездига чипта олиш учун бир неча ҳафта олдин мурожаат қилиш зарур.

Шу боис, Транспорт вазирлигига туризм соҳасида транспорт инфратузилмасини яхшилаш бўйича топшириқлар берилди.

Сайёҳларнинг авиақатновларга бўлган талабини қондириш мақсадида 1 июлдан бошлаб, “Зиёрат туризми” дастури доирасида хорижий авиакомпанияларга кўрсатиладиган хизматларга 50 фоизгача чегирмалар

жорий қилинади. 1 октябрга қадар маҳаллий авиақатновларга мўлжалланган янги “Silk avia” компанияси ташкил этилади. Ҳар йили Ўзбекистонга минглаб хорижликлар ташриф буюришади ва уларнинг сони ҳам худди сармоядорлар ва сайёҳлар орасида мамлакатнинг нуфузи ортиб бораётгани каби ортиб бормоқда. Шунга кўра, олдиндан брон қилиш керак. Онлайн брон қилиш сизнинг саёҳатингизни соддалаштиради, ҳар бир кишининг диди ва истакларини инобатга олган ҳолда, биз мамлакатда енг кулай яшашни кафолатлаймиз. Сиз фақат жойлашувни ва мақбул нархни кўрсатишингиз керак, биз эса, ўз навбатида, сизга мос меҳмонхоналар рўйхатини тақдим этамиз. Ўзбекистондаги меҳмонхоналарнинг кенг ассортименти, шунингдек, Ўзбекистон бўйлаб Турлар, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Фарғона, Марғилон, Риштон, Қўқон ва Ўзбекистоннинг бошқа кўплаб шаҳарларида таклиф этади. Буларнинг барчаси шунини кўрсатдики, мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида туризм саноатининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистоннинг халқаро туризм бозорида ўз ўрнини эгаллаётганлигидан далолат беради. Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, ҳар бир мамлакат туризм иқтисодиётини ривожлантириш учун унага маблағ ажратиш туризм хизматлари бозорини кенгайтириш, туристик кластерларини тузиш, ҳамда аҳоли эҳтиёжи учун кўплаб бўш иш ўринларини яратиш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача интеграциялашган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепцияси лойихаси. ID-8839.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси, 30.12.2019.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 июлдаги УРК-549-сон «Туризм туғрисида» ги қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қушимча ташкилий чора-тадбирлар туғрисида"ги ПФ-5326-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 майдаги "Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб булмайдиган чора-тадбирлар туғрисида"ги ПФ-6002-сон Фармони.

6. Узбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги "Узбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қушимча чора-тадбирлар туғрисида"ги ПФ-5611-сон Фармони.
7. Узбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги "Узбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари туғрисида"ги ПФ-4861-сон Фармони.
8. Узбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги "Узбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари туғрисида"ги ПФ-5781-сон Фармони.
9. Александрова А.Ю. География туризма как научная дисциплина // География туризма / Под ред. А.Ю. Александровой. — М.: КНОРУС, 2010.
10. Биржаков М.Б. Введение в туризм: Учебник. — СПб.: Невский фонд, 2011.
11. Боголюбов В. С., Орловская В.П. Экономика туризма. — М.: Академия, 2010
12. Брашнов Д.Г. Гостиничный сервис и туризм: Учебник. — М.: Инфра-М, 2011.
13. Зорин И.В. Менеджмент туризма: Учебник для студентов. — М.: РМАТ, 2009.
14. Ирэни Н. Туризм, развитие и независимость в Кабо-Верде. Исследования мира и безопасности / Недель, Факультет экономики, Университет Коимбры, № 4, 2010.
15. Кабиров И.С. Статистический учет в туризме. Актуальные проблемы экономики и права., 2009., - № 3. – с. 45.
16. Морозов М.А., Морозова Н.С., Карпова Г.А., Хорева Л.В. Экономика туризма. – Москва, 2014., - с. 20-21. 4. Clawson M. and Knetsch, J.L., "Economics of Outdoor Recreation", Baltimore : Johns Hopkins University Press 1966.
17. Gray, H.P., "International Travel — International Trade" Lexington, Mass. : D. C. Heath, 1970. 6. www.unwto.org.